Эслатма

Эслатма

Ўтишнинг тадрижийлиги

Пулнинг кўриниши маълум ўзгаришларга учраса ҳам, барча пуллар – эскиси ҳам, янгиси ҳам – номинал қийматида юради. АҚШнинг бирорта пул бирлиги бекор бўлмайди ва девалвация ҳам қилинмайди. Америка Қўшма Штатлари ҳеч қачон пулини девалвация қилмаган ва қилмоқчи ҳам эмас. Янги пул муомалага кирган сари Федерал Резерв Тизими банклардан ўтган яроқсиз пул қоғозларини муомаладан чиқариб юборади, янгиларини эса қайтаради. Яъни, олдинги сериядаги банкнотларни янги сериядагисига алмаштириш вақт билан чегаралаб қўйилмаган ва талаб ҳам этилмайди.



A Smooth Transition

While the look of the currency will undergo subtle changes, all notes — new or old — will be honored at their full face value. There will be no recall or devaluation of any U.S. notes. The United States has never devalued its currency and will not do so now. As the new currency is phased in, worn notes will be retired by the Federal Reserve when they are returned through the banking system. This means there is no time limit or requirement for exchanging a previous series for a new series.

Янги дизайндаги пул ҳақидаги кўпроқ маълумотни қуйида кўрсатилган сайтдан олишингиз мумкин:
www.moneyfactory.com/newmoney

Пулнинг янги ранги.
Хавфсизроқ. Зуккороқ. Ишончлирок.

www.moneyfactory.com/newmoney

Муҳофаза хоссалари

Америка Қўшма Штатлари ҳукумати мураккаб дизайни ва муҳофаза хоссалари орттирилган пул чиқариш режаси бўйича ишларини давом эттирмоқда. Ҳукумат янги дизайндаги 20 долларлик банкнотани 2003 йилда муомалага киритган эди ва бу ҳолат бошқа номиналдаги пуллар учун ҳам давом этади. Янги 50 долларлик банкнота 2004 йилнинг охирида муомалага чиқади, янги 100 долларлик банкнотанинг чиқиши эса 2005 йилга режалаштирилган.

Дизайни ўзгартирилган янги пул хавфсизроқ, зуккороқ ва кўпроқ ҳимояланган қилиб ишланади: **Хавфсизроқ** дейишимизга сабаб, Пулни сохталаштириш қийин, лекин текшириш осон; **Зуккороқлиги** техник жиҳатдан маҳоратли бўлган қалбаки пул ясовчилардан анча олдинда эканлигидир; **Кўпроқ ҳимояланган** бўлиши эса АҚШ пул бирлиги дахлсизлигини ҳимоя қила олишидир.

Янги дизайннинг эътиборга молик фарқи фон рангининг нозик усул билан берилиши бўлиб, пул қоғозидаги мураккабликлар ортгани боис уни қалбакилаштириш қийинроқ бўлади. Ранг қўшилганлиги эса турли номиналларни бир-биридан осон ажратиш имконини беради, сабаби ҳар битта номинал учун фоннинг ўзигагина хос бўлган бошқача ранги танланади.

Бироқ ранг қўшилганлигига қарамасдан дизайни ўзгартирилган пул дунёнинг энг машҳур ва кўп муомалада бўладиган анъанавий Америка пул бирлигининг ўзига хос ўлчами, кўриниши ва хоссаларини сақлаб қолган.

Янги 50 долларлик 2004 йил дизайни сериясидаги иккинчи банкнота бўлиб, нозик Рангидан ташқари америкаликларнинг тарихий белгиларини ҳам кўрсатиб ўтади. 2003 йили муомалага киритилган 20 долларлик банкнотада яшил, шафтоли ва кўк ранглардан ташқари Америка бургути ҳам чизилган. 2004 йилнинг охирида чиқадиган янги 50 долларлик пулда эса ҳаворанг ва қизил рангдаги байроқ расми бўлади. Бундан кейин янги 100 долларлик банкнота чиқарилади. 5 ва 10 долларлик пулларнинг янги дизайни масаласи ҳали кўриб чиқилаяпти, бироқ 2 ва 1 долларлик пуллар дизайнини ўзгартириш режа қилинмаган.

Федерал Резерв Тизими билан Молия вазирлиги, иқтисодиётни ва сиз меҳнат қилиб топган пулни ҳимоя қилиш мақсадида пул дизайнини доимий равишда яхшилаб бориш ишларининг тарафдоридир. Шу мақсадда ҳар етти-ўн йилда пул дизайнини ўзгартириб боришни назарда тутганмиз.

Янги 50 долларлик банкнота биринчи марта 1990 йилда жорий этилган ва осон текшириладиган учта энг муҳим муҳофаза хоссаларини сақлаб қолган: Сув белгиси, муҳофаза ипи ёхуд полимер чизиқ, ҳамда ранги ўзгарувчан бўёқ.

МУҲОФАЗА ИПИ

Банкнотни ёруғликка қаратиб муҳофаза ипи, ёки бошқача айтганда, полимер чизиқни топинг. Ип қоғознинг ичига жойланиб суратнинг ўнг томонидан вертикал ўтган. Яхшилаб қарасангиз банкнотнинг икки четида ипга ёзилган "USA 50 (АҚШ 50)" сўзлари билан кичкина байроқнинг расмини кўрасиз. Ултрабинафша нурга тутганда ип сариқ бўлиб товланади.

РАНГИ ЎЗГАРУВЧАН БЎЁҚ

Банкнотнинг олд томонида пастки ўнг бурчагига ёзилган «50» рақамига қаранг. Банкнотнинг бир томонини қияроқ ушлаб қарасангиз ранги ўзгарувчан бўёқ мис рангдан яшилга айланади.

СУВ БЕЛГИСИ

Банкнотни ёруғликка қаратиб сув белгисини, ёки Президент Улиссес С. Грантнинг катта суратига ўхшаш шаффоф тасвирни топинг. Сув белгиси қоғознинг ажралмас қисми бўлиб, уни банкнотнинг иккала томонидан ҳам аниқ кўриш мумкин.

Янги белгилар

РАНГ

Янги дизайндаги банкнотнинг кўзга ташланадиган энг катта фарқи, банкнотнинг иккала томонига ҳам нозик йўсинда ҳаворанг ва қизил рангдаги фоннинг қўшилгани бўлди. Шунингдек, банкнотнинг орқа томондаги фонига сариқ рангдаги кичкина 50 рақамлари туширилган.



ОЗОДЛИК БЕЛГИЛАРИ

Янги тасвирини кўрсатиш учун 50 долларлик банкнотнинг олд томонига озодликнинг янги белгилари туширилган. АҚШ нинг юлдузли ва йўл-йўл байроғи ҳаворанг ва қизил ранглар билан Президент Грант суратининг ортига жойланган. Ҳаворанг юлдузча туширилган майдон суратнинг чап томонига, учта қизил йўл эса суратнинг ўнг томонига қўйилган. Металл тусли кумуш ҳаворанг юлдузча суратнинг пастки ўнг томонида жойлашган. Озодлик белгилари ҳар бир номиналдаги пул бирлиги учун бошқача бўлади.



СУРАТ ВА ШАКЛЛАР

Банкнотнинг олди тарафида Президент Улиссес С. Грант сурати ва банкнотнинг орқа тарафидаги Америка Қўшма Штатлари Капитолийси тасвири атрофидаги овал доира ва ингичка чизиқлар олиб ташланган. Сурат юқорига сурилган ва суратдаги елкалар доира чегараси томон кенгайтирилган. Қўшимча ўймакор нақш деталлари тасвир фонига қўшилган.

Бошқа белгилар

Учта асосий муҳофаза хоссаларига қўшимча тарзда янги 50 долларлик банкнота дизайнида мавжуд бир қанча хусусиятлар ҳам сақлаб қолинган.

МИКРОНАШР

Ўта кичик бўлгани туфайли микронашр сўзларни қалбакилаштириш қийин. Янги дизайндаги 50 долларлик банкнотнинг олд томони учта жойдаги сўзлар микронашр усули билан босилган: "FIFTY (ЭЛЛИК)", "USA (АҚШ)" ва "50" сўзларини сурат чап томонидаги икки ҳаворанг юлдузчанинг ўртасида кўриш мумкин; такрорланиб келган "FIFTY (ЭЛЛИК)" сўзи банкнотнинг иккала томонидаги ҳошиясида ҳам кўринади; Президент Грантнинг ёқаси, соқолининг остида эса "THE UNITED STATES OF AMERICA (АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ)" сўзлари кўринади.

КЎЗИ ОЖИЗЛАР УЧУН ПУЛНИНГ ҚИЙМАТИНИ КЎРСАТУВЧИ РАҚАМНИ КАТТА ҚИЛИШ

Банкнотнинг орқа тарафи пастки ўнг бурчагига катта қилиб ёзилган «50» рақами кўзга аниқ ташланиб туради.

ҚОҒОЗ

Пул босилган қоғознинг тўртдан бир қисми зигир ва тўртдан уч қисми пахтадан иборат бўлиб, унга қизил ва кўк толалар қўшилган.

ФЕДЕРАЛ РЕЗЕРВ ФОНДИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Портретнинг чап томонидаги умумий муҳр бутун Федерал Резерв Тизимини ифода этади. Чап томондаги серия рақами остидаги ҳарф билан рақам уни чиқарган Федерал Резерв Банкини билдиради.

СЕРИЯ РАҚАМЛАРИ

Ўн битта такрорланмайдиган рақамдан иборат сон ҳамда ҳарфлар термаси банкнотнинг олд томонида иккита жойга ёзилган. Янги 50 долларлик банкнотада чиқади серия рақамлари олдинги дизайндагиларга қараганда ўнг тарафга сал сурилган.

Янги пул ҳам, эски дизайндаги пул ҳам ўзининг тўлиқ номинал қиймати билан қонуний пул бирлиги бўлиб қолаверади. АҚШ ҳеч қачон ўз пулини девалвация қилмаган ва қилмоқчи ҳам эмас. Қуйида ҳозир муомалада бўлган АҚШнинг 50 долларлик пуллари кўрсатилган.

Шу қисми кўриб олишингизга сўраймиз.

1996 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ПУЛ

1996 ЙИЛ СЕРИЯСИДАГИ ПУЛ

Шу қисми кўриб олишингизга сўраймиз.

2004 ЙИЛ СЕРИЯСИДАГИ ПУЛ